

**“НОСИРХОН ТЎРА САИДКАМОЛХОН ТЎРА ЎҒЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ
ВА ИЛМІЙ МЕРОСИНІНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”**

Бердиева Нилуфар Ахатовна

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи

“Хожя Бухорий” ўрта махсус ислом таълим муассасаси

Berdieva Nilufar Akhatovna

Head of the educational and methodological department

"Khoja Bukhari" secondary special Islamic educational institution

Анотация. Ушбу мақола Туркистон мухторияти тарихида миллий демократия ҳукуматни ташиқил этган ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилган тарихий шахс, советлар даврида фақат салбий томондангина қайд қилиб ўтилган Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғлининг ачинарли ҳаёт фаолияти тўғрисида баён этилган.

Annotation. This article describes the sad life of the son of Nasirkhan Tora Said Kamolkhan Tora, a historical person who established a national democratic government and led its activities in the history of the autonomy of Turkestan.

Калит сўзлар. Большевиклар, мухторият, миллий демократия ҳукумат, аксилинқилобий унсурлар, қурултой, жади́дчилик, шўрои исломия, миллий иттиҳод, шўъба.

Ҳар бир жамиятдаги ўзгаришлар ўз даврининг тарихий шароитидан келиб чиқиб намоён бўлади. Бу ўзгаришларда тарихий шахслар, айниқса, зиёлиларнинг ўрни катта бўлиб. Уларнинг ҳар бири ўзига хос илғор ғояларни илгари суради.

Зиёлилар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топишга ҳаракат қиладилар.

Худди шундай жараён XIX асрда яшаб, ўзининг фидокорона, кўркмас, ҳалол, халқи учун жонқўяр, халқ муҳаббатини қозонган, тирик чоғида Ватанини озодлигини кўра олмаган, Аллоҳ берган жонни Ватани озодлиги йўлида фидо қилган, Большевиклар нени раво кўришидан қатъий назар она Ватанидан чиқармасликларини умид қилган, ўз болаларини қандай севган бўлса, халқини ҳам худди шундай севган, халқининг йўлини Аллоҳ очиб беришини ният қилган, “Миллатнинг йўли истиқлол, Истиқлол эса Ватаннинг истиқболидир” шиорини улуғ деб билган, беркитилган асарларида эҳтиётлик, бирлик, фидокорлик, биродарлик туйғуларини кучлантириш ва ёшлар, хотин-қизлар орасида ишлаш, диний ва миллий одатларимизни мустаҳкам тутиш, маданиятимизни сақлаб қолиш, тилимизни руслаштирмаслик, миллий ахлоқни тоза сақлаш ва ҳар доим ўтмиш тарихига ҳамоҳанг тарзда ҳаракат қилган, Ватани озодлиги йўлидаги ишларда

йотуқларга эришилажаклигини мақсад қилган Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғлининг ачинарли ҳаёт фаолиятини ўрганиш ва тарих саҳифаларига битилган фактлар асосида хотирлашга ҳаракат қилдик.

Туркистон мухторияти тарихи, жумладан, бу миллий демократия ҳукуматни ташкил этган ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилган тарихий шахслар советлар даврида фақат салбий томондангина қайд қилиб ўтилган. Уларнинг барчасига аксилинқилобий унсурлар деган қора тамға босилган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимизни янгича англаш, қадрлаш, бузилган, сохталаштирилган воқеаларни ўз жойига қўйиш жараёни бошланди. Аммо тарихий аҳамияти, бўй-басти юксак бўлган Туркистон мухторияти давлати тарихи ҳали-ҳанузгача кенг ва атрофлича тадқиқ этилгани йўқ. Айниқса, Туркистон мухторияти билан бевосита боғлиқ бўлган тарихий шахслар ҳаёти ва тақдири тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортмаганлиги афсусланарлидир. Худди ана шундай тарихий шахс, Туркистон мухторияти маориф вазири Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра тарихи ҳам юзага чиққанича йўқ. Шу боис бу инсон ҳақида мавжуд бўлган айрим маълумотларни келтиришни лозим билдик.

Ўзбек халқи миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухторияти ҳукумати алоҳида ажралиб туради. Мухторият ҳукумати қисқа фурсат (1917 йил 27 ноябрь – 1918 йил 22 февраль) фаолият кўрсатган бўлса ҳам, у тарихимизда чуқур из қолдирди. Шу кунларда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинганлигига 106 йил тўлмоқда. Фақат Ўзбекистонда эмас, балки қардош туркий давлатларда ҳам бу сана илмий жамоатчилик томонидан кенг нишонланмоқда. Тарихдан маълумки, Қўқон шаҳрида 1917 йил 26 – 28 ноябрда (янги ҳисоб билан 8 – 10 декабрда) бўлиб ўтган Бутун Туркистон мусулмонларининг фавкулодда IV курултойида Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинди. Курултой Туркистон ўлкасини Россия Федератив Республикаси таркибида ҳудудий жихатдан мухтор деб эълон қилди.¹

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 6-жилди 491-саҳифасидаги кичик бир маълумотни айнан келтирамиз: “Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғли (1871, Наманган – 1938.03.09) – Туркистон мухторияти ҳукумати маориф вазири (1917 – 1918), совет ҳокимиятига қарши олиб борилган ҳаракат раҳбарларидан бири, йирик уламо. Бухорода, Қобул, Дехли, Бағдод ва Ҳижоз шаҳарларида таҳсил олди. Туркистонга қайтгач (1912) Наманган шаҳар қозиси бўлган. 1913 йилдан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. “Шурои исломия” ташкилотининг Наманган шўъбаси раҳбари, Наманган шаҳар думаси аъзоси (1917). Туркистон ўлка мусулмонлари фавкулодда IV курултойи (1917 й. 26 – 28 ноябрь)ни ўтказишда

¹ Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳақида таниқли ўзбек тарихчиси профессор Саидакбар Аъзамхўжаевнинг қуйидаги асарларига қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: “Маънавият”, 2000. – 168 бет; Агзамходжаев С. История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). – Ташкент: Издательско-полиграфическое объединение «Тошкент ислом университети», 2006. – 753 стр.

жонбозлик кўрсатди. 1918 йил февралда мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечирган. У Косонсойда “Миллий иттиҳод” ташкилоти ячейкасини ташкил қилган (1919). Совет режими томонидан қамокда олинали, сўнгра Оренбургга сургун қилинади (1924-1929). Сургундан қайтгач мавжуд тузумга қарши фаол ҳаракатни давом эттирди. Қатағон қилинган Носирхон Тўра қамокда вафот этади”. “Тарихи Туркистон” (15 бўлимдан иборат), “Оренбург мактублари” эсдалиги ва бошқа асарлари мавжуд”. Тарихнинг бошқа долзарб мавзулари бўйича ҳужжатлар билан танишилганда, жумладан, Носирхон Тўранинг 3 жилддан иборат айблов ҳужжат ва материаллари олимлар томонидан ўрганилганда, ҳужжатлар ичида унинг сурати ҳам бўлган. Архив ҳужжатлари қатағон йўналишида бўлиб, 6 жилдлик 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда қатағон қилинганлар тақдири, уларнинг қисмати тўғрисида маълумотлар кам бўлиб, улар ҳақида жудаям оз маълумотлар қолган. Ҳолбуки олимларимиз қатағон қурбонлари бўйича китоб ҳам ёзишмоқчи бўлишган, аммо маълумотлар топиш имкони бўлмаган. Носирхон Тўра ҳақидаги материаллар ҳам шулар қаторидадир.²

Ўрганилган ҳужжатлар қаторида ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси ҳузуридаги учликнинг 1930 йил 27 октябрдаги 103-сонли кенгаш баённомасида Носирхон Тўрага тегишли бўлган қисми яъни, АнДУ “Имју хабарномаси” дан (№4/2014. –Б.54-58) келтирилган бўлиб, унда Кенгаш учлик раиси Миронов, аъзолари Берман, Бабкеевич, ЎзССР давлат прокурори, ОГПУ органлари устидан назорат олиб боровчи Саричев ва котиб Ковач иштирокида ўтган. Кун тартибида 5054-сонли айблов хулосасини муҳокама қилиш масаласи қўйилган. Айблов хулосасига асосан, учлик қарори билан 92 нафар маҳбуснинг бир қисми отувга, бир қисми қамок жазосига ҳукм этилган, айримларигина қамокдан озод қилинган. Улар қаторида Саид Носирхон Тўра билан бирга 17 нафар маҳбус 5054-сонли айблов иши бўйича отувга ҳукм қилинган. Мана улар: 1. Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўраев – 56 ёшда, миллати тожик, бой, хўжалиги ер-сув ислоҳоти даврида тугатилган, таниқли мударрис, февраль инқилобидан октябрь инқилобигача Наманган шаҳар думаси раиси, аксилинқилобий Куқон мухториятида вазир, Наманган диний бошқармасининг собиқ раиси, 1925 йилдан 1928 йилгача советларга қарши фаолияти учун сургунда бўлган. 2. Отантой Сотилганов – 56 ёшда, қирғиз, бой-чорвадор, хўжалиги ер-сув ислоҳоти даврида тугатилган. 3. Мулла Самиулла Сафиуллаев – 54 ёшда, татар, собиқ ер эгаси ва савдогар, ер-сув ислоҳоти даврида хўжалиги тугатилган. 4. Гумбин Игнатий Матвеевич – 38 ёшда, татар, собиқ офицер, оқларда буфет ижарачиси бўлган. 5. Эшон Дадахон Носирхонов – 24 ёшда, тожик, Носирхон Тўранинг ўғли. 6. Мансурбой Шерғозиев – 63 ёшда, ўзбек, масжид оқсоқоли, аник машғулоти йўқ. 7. Хўжахон Қаноатов 37 ёшда, ўзбек, эшон ўғли, ўзи имом. 8. Мадиброхим

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 6-жилди 491-саҳифаси

Ўринбоев – 70 ёшда, қипчоқ бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган. 9. Жўрабой Қори Мирисҳоқов – 39 ёшда, ўзбек, ўртаҳол. 10. Тўхтасин Болтабоев – 27 ёшда, ўзбек, бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган. Ва яна 8 нафар отувга ҳукм қилинган инсонлар номи қайд қилинган.

Саид Носирхон Тўранинг фожеаси хориж тарихшунослигида ҳам кенг ёритилган. Масалан, туркиялик тарихчи доктор М.Х.Эрктурк Женевада чиқаётган “Миллий Туркистон” журналининг 1952 йил 5-сонида “Саид Носирхон Тўра” номли мақола чиқарган.

Носирхон Тўра [Носирхонтўра Камолхонтўра ўғли] – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳбарларидан бири, машхур уламо. Наманганда 1871 йили туғилган. Миллати – ўзбек. У Бухорода, сўнгра Кобул, Деҳли, Бағдод ва Ҳижоз шаҳарларида таҳсил олган. Туркистонга қайтгач, 1912 йили Наманган шаҳрига қози бўлган. 1913 йилдан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. “Шўрои Исломия” ташкилотининг Наманган шубҳаси раҳбари, Наманган шаҳар Думаси аъзоси (1917). Бутун Туркистон мусулмонлари фавқуллода IV курултойини 1917 йил 26 – 28 ноябрда Қўқон шаҳрида ўтказишда жонбозлик кўрсатди. У 1917 йил декабрда Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига маориф вазири сифатида киритилди. 1918 йил февралда мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, Мустафо Чўқайнинг ёзишича, Носирхон Тўра Наманганда большевиклар қўлига тушади. Амнистия туфайли озод бўлгач, у бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечирган. У 1919 йили Косонсойда “Миллий иттиҳод” ташкилоти ячейкасини ташкил қилган. Совет режими томонидан бир неча марта қамоққа олинадди. Оренбургда сургунда бўлган (1925 – 1928). Сургундан қайтгач, мавжуд тузумга қарши фаол курашни давом эттирган. ОГПУ махсус учлигининг 1930 йил 27 ноябрдаги йиғилишида 5054—иш, яъни Носирхон Тўра иши кўриб чиқилган ҳамда у отишга ҳукм қилинган. У билан бирга яна кўплаб кишиларга ўлим жазоси берилган. Айрим манбаларда кўрсатилишича, қатағон қилинган Носирхон Тўра 1935 йил 27 сентябрда қамоқда вафот этган. Унинг “Тарихи Туркистон”, “Оренбург мактублари” эсдалиги ва бошқа асарлари мавжуд.³

Хуллас, Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирларининг тақдири ана шундай фожиали тарзда тугади. Мухторият ҳукуматининг биринчи таркибида 8 нафар вазир бўлган, кейинчалик яна улар сафига 7—8 нафар киши вазир сифатида келиб қўшилган. Мухторият ҳукумати таркибида туб аҳоли (ўзбеклар ва қозоқлар)дан ташқари 5 нафар бухоро яҳудийлари ва 2 нафар татарлар ҳам бўлган. Шу жиҳатдан олганда Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарларининг диний ва миллатлараро муносабатларда нақадар бағри кенглиги, сабр—тоқати, толерантлиги ва тотувлиги яққол кўринади. Бироқ туркистонликлар 1918 йил февраль ойи охирида ўлка

³ “Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 2017 йил 12 октябрь

тарихидаги дастлабки демократик ҳукуматни большевиклар зўравонлигидан асраб қола олмади. Мухторият ҳукумати ташкил топиб, фаолият кўрсатгандан сўнг роппа—роса 106 йил ўтса ҳам ҳозиргача биз ҳукумат аъзолари фаолияти ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Бу ўринда мазкур тадқиқот Ўзбекистонда бу йўлдаги дастлабки қадам эканлигини айтиб ўтиш жоиз.